ЮКЛАМАЛАР ГАП ҚОЛИПИНИНГ ШАКЛЛАРИ СИФАТИДА

Ойбек Бозоров
Қўқон ДПИ, ф.ф.н

Аннотация. Ушбу мақолада юкламаларнинг тилнинг энг юқори сатҳи бўлган синтаксиснинг коммуникатив (нутқий, фикрий, жонли тафаккур) билан боғланишини акс эттирувчи, гап қолипларини жумлаларга айлантирувчи синтактик-коммуникатив ёки логик-грамматик шакл ясовчилар сифатида мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: қолип, юклама, тил бирлиги, гап.

Тил бирликлари ҳам, ҳар қандай нарса ва ҳодисада бўлганидек, ўзининг ўзгарувчан шаклларига эгадир. Хусусан, нутқ товушининг муайян ҳолатини ўзгармас қисм ёки қолип (1: 86) деб олсак, бу қолип турли нутқий шароитларда турлича шаклларга эга бўлади. Масалан [*и*] фонемаси қолипининг нутқий чўзиқ, қисқа, юмшоқ, қаттиқ каби кўринишлари [*и*] товуши типининг хусусий шаклларидир. Бу шуни кўрсатадики, товуш типи ёки фонема ўзининг турғун ташкил этувчилари (дифференциал) ёки интеграл белгилари) йиғиндиси (бутунлиги) мақомида мавҳум тил бирлигини (4: 14) ташкил этса, **“фонема қолипи + қўшимча нутқий ҳодисалар”** эса аллофон ёки муайян нутқ товушини ҳосил қилади. Аллофонларнинг (фонема нутқий вариантларининг) ҳосил бўлиши аслида фонемани ташкил этувчи фарқловчи белгилардан айримларининг ёки ҳаммасининг уйғунлигидаги ўзгаришлари асосида ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам нутқдан тилга боришда (3: 13) ушбу хусусий ўзгаришлар эътибордан соқит қилинади ёки фонеманинг соф ташкил этувчи элементлари (муҳим белгилари) номуҳим, қўшимча фонетик ҳодисалардан “фильтрланиб” олинади.

Маълумки, тил бирликларига, фонемадан ташқари, морфема, лексема, сўз бирикмаси, гап кабилар ҳам мансубдир. Шундай экан, бу лисоний бирликлардаги шакл ясалишларига ҳам эътибор беришга тўғри келади.

Ушбу ўринда юкламалар ва уларнинг гап қолипига муносабати ҳақида фикр юритамиз.

Анъанавий тилшунослигимизда юкламаларга сўз, сўз бирикмаси ва гапга қўшимча маъно берувчи ёрдамчи бирликлар (сўз ёки аффикс шаклидаги) сифатида қараб келинди. Кўп тавсифларда юкламанинг қайси сўзга ёки сўз бирикмасига қўшилиб келишига (2: 18) эътибор беришга ҳаракат қилинди. “Бутунича гапга қўшимча маъно беради” дейилганда эса юкламаларнинг кесимларга қўшилиб келиши назарда тутилди. Шу нуқтаи назардан ёндашилса, -*ку* юкламасининг ўзига хос хусусияти бир гап ичидаги сўз, сўз бирикмаси ёки

кесим билан очилмаслиги маълум бўлади. Масалан, *-ку* юкламаси *Мен кеча келдим* гапининг ҳар бир бўлагига қўшила олади: *Мен-ку кеча келдим...; Мен кеча-ку келдим...; Мен кеча келдим-ку...* каби. Демак бу ўринда қўлланиш имконияти бўлган *-ку* юкламасининг ўзига хос вазифаси содда гапнинг ички мазмуни билан эмас, балки бу гапнинг бошқа содда гап мазмуни билан бўлган муносабати асосида амалга оширилади: *Мен-ку кеча келдим, сиз кеча келмадингиз; Мен кеча-ку келдим, лекин аввалги куни келганим йўқ; Мен кеча келдим-ку, нега ундай дейсиз.* Кўриниб турибдики, *“Мен кеча келдим”* гапи ёки нисбий ўзгармас қисм (семантик қолип) *-ку* юкламаси ёрдамида уч хил контекстга (зиддиятли шахс, вақт, ҳаракат) боғланмоқда ёки шу контекстларда ўзининг муайян мавҳум мундарижасини уч йўналишда шакллантирмоқда.

“*Мен кеча келдим*” = “Шахс + вақт + ҳаракат” = “Кишилик олмоши + пайт равиши + ўтган замон/биринчи шахс/феъл”дан иборат гап қолипи ёки инвариант (ўзгармас қисм, тип) турли нутқий шакл ясовчилар ёрдамида вариантлар ҳосил қилади. Бошқача айтганда, лисоний гап (гап қолипи) худди фонема, лексема сингари ўзининг шакл ясовчиларига эгадир. Бундай шакл ясовчиларга оҳанг (интонация), ўрин (позиция), юклама (морфологик восита) кабилар киради. Оҳанг-шакллар: *Мен кеча келдим; Мен кеча келдим; Мен кеча келдим*; ўрин шакллар: *Келдим кеча мен; Кеча мен келдим* (ўрин-шаклга оҳанг-шакл ҳам муайян даражада ҳамроҳ бўлади); юкламали шакллар: *Мен-ку кеча келдим; Мен кеча-ку келдим* каби.

Шуни эътироф этишимиз керакки, оҳанг, ўрин ва юкламали шакллар ҳар бири ўзининг гуруҳи ва гуруҳичи хусусиятларига эгадир. Албатта, бу шакллар ичида оҳанг ва ўрин-шакллар келиб чиқишига кўра бирламчи бўлса-да, семантик жиҳатдан юкламалар сингари ранг-баранг эмас. Юкламалар гапнинг мазмун турлари ва уларнинг ички семантик кўринишларига хосланган коммуникатив ёрдамчи бирликлардир. Ҳар бир юкламанинг ўзига хос коммуникатив функциясини аниқлаш аслида у билан боғлиқ бўлган гапнинг ички семантик қолипларини белгилаш асосида амалга оширилади. Ҳар бир ички семантик тур (қолип) ўзига хос юклама-шакллар билангина иш кўриши мумкин. Масалан, “*Мен борай*” мазмун тур кесимининг юклама-шаклларга муносабатини кўриб чиқайлик; *Мен борай+ми?*; *Мен борай-ку*(?); *Мен борай+чи; Мен борай+да; Мен борай+оқ*(?); *Мен борай+ки; Мен борай+а?; Мен фақат борай; Мен худди борай*(?); *Мен борай+дир*(?) каби. Энди “*Мен борай*” нисбий семантик қолипидаги эга (субъект, бажарувчи) қисмнинг юклама-шаклларни қабул қилиш имкониятларига назар ташлайлик: *Менки борай; Мен-ку борай; Мен-да борай*(?); *Мен-чи борай; Меноқ борай*(?); *Мен-а борай*(?); *Фақат мен борай; Худди мен борай* каби. Биз бу ўринда буйруқ-истак майли билан боғлиқ бўлган семантик турнинг юкламали шаклларини кўрсатдик. Шунингдек, *Мен бордим, Мен*

боряпман, Мен бормоқчиман, Мен борарман каби мазмун турларнинг ҳам юкламалар гуруҳига нисбатан турлича муносабатда бўлиши шубҳасиздир.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, юкламалар гап мазмун турларининг шакл ясовчиларидир. Ҳозирга қадар юкламаларнинг морфологик воситалар сифатида санаб ўтилиши ва уларнинг ўта умумий тавсифланиши тил бирликлари ва нутқ бирликларининг ўзаро кескин фарқланмаганлиги, шунингдек, гапнинг қолиплари ҳақидаги таълимотнинг эндигина амалга оширилаётганлиги, гап қолиплари ва уларнинг қўлланиши билан боғлиқ бўлган матн тилшунослигининг ютуқларидан кам фойдаланаётганлигимиз натижасидир. Шунингдек, бизнинг “шакл ясовчи” тушунчамиз ҳозиргача фақат сўзнинг морфологик шакли билангина чегараланиб қолмоқда. Бизнингча, “шакл ясовчи” тушунчасини нафақат лексема, балки фонема, сўз бирикмаси ва гап қолипларига нисбатан ҳам қўллаш даври келди. Зеро шакл ҳар қандай предмет, белги, ҳодиса каби лисоний бирликларнинг ҳам воқеланиш воситасидир. Мазмун нисбий ўзгарувчан ва ранг-баранг бўлганлиги учун бунга мос ҳолда юрувчи шакл ҳам турли даражалардаги хилма-хилликка эга. Тилнинг ҳар бир сатҳи ўзига хос шакл ва мазмун мақомларига эга. Юкламалар тилнинг энг юқори сатҳи бўлган синтаксиснинг коммуникатив (нутқий, фикрий, жонли тафаккур) билан боғланиши акс эттирувчи, гап қолипларини жумлаларга айлантирувчи синтактик-коммуникатив ёки логик-грамматик шакл ясовчилардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Абстрактлик ва конкретлик диалектикаси. – Тошкент, Фан, 1978.
2. Исақов З.С. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни. – Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Фарғона, 2005.
3. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1993.
4. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. – Тошкент, Университет, 2002.